

ИСЛОМДА ЖИНОЯТ ТУШУНЧАСИ, УНИНГ ТУРЛАРИ ВА БИР-БИРИДАН ФАРҚЛИ ЖИХАТЛАРИ

Т.М.Мирзарахимов

Мустақил тадқиқотчи

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг эълон қилиниши мамлакатимиз халқлари тарихида янги даврни бошлаб берди. Бунинг натижасида ўзлигимизни англаш, Ватанимиз тарихини холисона ўрганиш, миллий қадрият ва урф-одатларимизни тиклашимиз учун ижтимоий-сиёсий шарт-шароитлар яратилди. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқоролик жамиятини шакллантиришдек улкан вазифани ўз олдига қўйди. Мазкур шароитда инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг, айниқса жиноятчиликнинг олдини олиш масалалари катта аҳамиятга эга.

Жиноят деган сўз араб тилидан олинган бўлиб, таъқиқланган ҳатти – ҳаракатни содир этиш деган маънони билдиради. Шунга кўра “жиноят” деган сўз орқали фақат шахсга қарши қаратилган эмас, балки шариат қоидалари, таъқиқланган ҳаракатларни содир этиш ҳам тушунилади. Унинг субъектлари ақли расо, соғлом, вояга етмаган шахс ҳисобланиб, 15-16 ёшгача бўлган ўсмирлар алоҳида мажбурлов чораларига тортилганлар. Ақлдан озган, хушини йўқотган ҳолатида содир қилинган жиноят учун жиноий жавобгарликдан озод қилинган, ислом ҳуқуқига кўра фақатгина жисмоний ва тирик шахсларгина жиноятнинг субъекти ҳисобланиб, жиноий жавобгарликка тортилган.

Мусулмон жиноят ҳуқуқининг асоси «жамият ва шахс ҳуқуқи» тушунчалари бўлиб, улар орқали жамиятдаги барча ҳуқуқий қоидалар белгиланади. Ислом фикҳшунослари жиноят ҳуқуқини – жамиятнинг умумий

низомини ва маслаҳатини муҳофаза этувчи ҳуқуқ, дея изоҳлаганлар. Ушбу ҳуқуқни улар Аллоҳнинг ҳақи билан боғлаганлар. Мусулмон ҳуқуқида Аллоҳ ҳақи муқаддас бўлиб, уни бажариш, унга риоя қилиш мажбурий, деб белгиланган. Бу қоидадан ташқари бирор шахс манфаатини кўзлаш ва уни жазодан озод қилишнинг имконияти умуман берилмаган. Мусулмон ҳуқуқида ибодатлар ҳам, жазо бериш ҳам Аллоҳ ҳақини бериш деб қаралган. Демак, жиноят ҳуқуқини бузганлик учун жазо бериш ибодатдек қабул қилинган¹.

«Шахс ҳақи» тушунчасига келсак, ҳар қандай жабрланган шахс ўзига тегишли ҳақни тўлалигича қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлган. Жиноятчига жабрланувчига кўрсатган зарарига қараб жазо белгиланган, шунингдек жабрланувчининг талабларини тўла қондириш таъминланган. Жамият ва шахс ҳуқуқларини бузадиган зарарли амаллар Қуръон аҳкомларида келтирилган, ҳадисларда эса шарҳланиб тўлдирилган. Фикҳ олимлари уларни тартибга келтириб, ўзига хос ҳуқуқий қоидалар мажмуини тузганлар.

Бурҳониддин марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида жиноят деб, қонун тилида-шахсга ва мулкка қарши қаратилган қонун билан тақиқланган қилмиш тушунилади деб кўрсатилган.

Шариатдаги мазкур таъриф жиноят тушунчасига берилган умумий таъриф бўлиб, шариат масалаларига бағишланган асарларда жиноятнинг айрим турларига алоҳида тушунча берилган. Жумладан, “Мухтасар” номли асарда ёзилишича “жиноят” сўзи луғатда жиноят ва гуноҳ маъносини, шариат истилоҳида одамнинг жонига ё аъзоларига зарар келтириш

* ИИВ Тезкор-кидирув департаменти Жиноят кидирув хизмати УЖҚКБ ходими

¹ Қаранг: Абдулқодир Ўда. Ислом ҳуқуқида жиноят қонунларини дунёвий қонунлар билан қиёсий ўрганиш, ж. 1. кириш қисми – Байрут, 1985.й.

маъносини билдиради.

Мусулмон жиноят ҳуқуқида жиноят ва уқубат масалалари асосий ўринларни эгаллаган. Бу масалалар бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, ҳатто жиноятларга бериладиган жазоларнинг номлари билан боғлаб юритилган. Масалан: ҳад уқубатлари – ҳад жиноятлари ёки қасос уқубатлари – қасос жиноятлари, таъзир уқубатлари – таъзир жиноятлари.

Ҳад уқубатига мансуб жиноятлар жамиятга хилоф бўлиб, оғир жазога мустаҳиқ кўрилган. Бундай жиноятлар исботланган тақдирда, авф этилмай, уларга жазолар кўпайтирилмай ёки камайтирилмай белгиланган.

Қасос уқубатига лойиқ қасос жиноятлари эса шахс ҳуқуқига тегишли бўлиб, қасос жазоси билан жазоланган. Бунда жиноятчи қилган жиноятига мос равишда жазоланган. Агарда жиноятчи бирор шахсни ўлдирган бўлса, ўлдирилган. Қўлини кесган бўлса, қўли кесилган. Бундай жиноят содир этилгандан сўнг, жабрланувчининг қариндошлари хоҳласалар, жиноятчини авф этиш ҳуқуқига ҳам эга бўлганлар.

Таъзир уқубатига мансуб жиноятлар эса бир вақтнинг ўзида жамият ва шахс маслаҳатига хилоф бўлган. Бундай жиноят учун оғир жазо белгиланмай, айрим ҳолларда одобга чақириш билан чекланилган. Бу жиноятлар учун жазоларни қозилар белгилаганлар.

Киши қилмишининг жиноят, деб ҳисобланиши учун аввал маълум ҳукм, сўнг маълум жазо белгиланиши керак бўлган. Бирор қилмишга жазо белгиланиши учун ҳукм талаб қилинган, ҳукмсиз жазо рад этилган. Мусулмон жиноят ҳуқуқидаги шаръий ҳукмлар асосан тўрт манба, яъни Қуръон, сунна, ижмо ва қиёсдан олинган. Булардан ташқари иккинчи даражали манбалар ҳам мавжуд бўлиб, булар истиҳсон, истислоҳ, урф-одат

хисобланган. Юқорида кўрсатилган тўрт манбадан олинган ҳукмлар *вожиб ҳукмлар*, деб юритилган.

Дин – инсонга инсоний хусусиятларни белгилаб берувчи низом бўлиб хизмат қилади. Унинг ҳимояси учун ибодатнинг ҳамма турлари қонунлаштирилган. Унга риоя қилиш жинойт ҳуқуқи томонидан назорат қилинади. Ислом динида ибодатга инсон руҳини покловчи, саломатлигини сақловчи ва уни тарбияловчи омил сифатида қаралади. Мусулмон ҳуқуқи эса ибодат ҳукмларининг бажарилишини таъминлайди ва у орқали диннинг ҳимоясида туради.

Нафс – инсон ҳаёти ҳисобланиб, инсон учун берилган энг катта неъмат саналади. Инсон ҳаётига унинг шахсияти ҳам тааллуқли бўлиб, тухмат ва ҳақорат каби иллатлардан инсон ҳаётини ҳимоя қилиш ҳам ҳуқуқнинг вазифасига киради. Шунингдек, жинойт ҳуқуқи эркин фикрлилики ва эркин диний қарашларни ҳам ҳимоя қилади. Унга “қатл” ва “жароҳат” тушунчалари зид бўлиб, жинойт ҳуқуқи инсон ҳаётини улардан ҳимоя қилиб туради.

Ақл ҳимояси – ақлни ҳар хил зарарли иллатлардан тўсиш, жамиятнинг осойишталиги ва унинг ривожланишини таъминлаш каби вазифалар билан боғлиқ. Ислом жамиятининг ҳар қайси аъзоси ақлан саломат бўлиши, жамиятга яхшилик ва наф келтириб туриши лозим. Чунки, ақл фақат унинг эгасигагина эмас, балки жамиятга ҳам тегишли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам жамият инсон унинг соғломлиги учун масъулдир.

Насл муҳофазаси – инсониятнинг давом этишини таъминлашдир. Катта авлод, яъни ота-она ёш авлодга ғамхўрлик кўрсатиб, тарбия бериши, уни ҳимоя қилиши насл муҳофазасининг асоси ҳисобланади. Ҳуқуқ эса оиланинг

юзага келишини, унинг бузилмаслигини ҳимоя қилиб туради, оиланинг бузилишига олиб келадиган иллатлар, зино, тухматчилик, фоҳишалик кабиларга қарши курашади. Буни уларга белгиланадиган оғир жазолар ҳам тасдиқлайди.

Мол муҳофазаси – мол-мулкни ўғирликлар, талон-тарож ва турли тажовузлардан ҳимоя қилишдир. Жиноят ҳуқуқи кишилар ўртасидаги мол олди-бердиларининг адолат билан олиб борилишини таъминлайди. Уни муҳофаза қилиб, тартиб билан тасарруф этадиган кишилар кўлига ўтишини рағбатлантиради.

Ижобий жиноятлар тақиқланган амалларни қилиш орқали ҳосил бўлади. Масалан, ўғирлик, қотиллик, зино, маст қилувчи ичимлик истеъмол қилиш ва бошқалар.

Салбий жиноятлар буюрилган амалларни қилмаслик орқасидан келиб чиқади. Масалан, гувоҳнинг шаҳодат беришдан бош тортиши, закот бермаслик ва бошқалар.

Жиноятлар тақиқланган амаллар ҳисобланиб, белгиланган жазога мустаҳиқ ҳисобланади. Улар бир қанча турга бўлинади. Жиноятлар қайси жиҳатдан кўрилишига қараб, қуйидаги турларга бўлинади: агар жиноятларга бериладиган жазо нуқтаи назаридан қаралса, *ҳудуд, қасос ёки дия* ва *таъзир* жиноятларига; жиноятчининг мақсади нуқтаи назаридан қаралса, *қасддан* ва *қасдсиз* содир этилган жиноятларга; жиноят вақти нуқтаи назаридан қаралса: *аниқ* ва *ноаниқ ҳисобланган жиноятларга*; агар жиноятларнинг оқибатлари нисбатига қаралса, *ижобий* ва *салбий, қайта такрорланувчи, вақтинчалик* ва *давом этувчи* жиноятларга, жиноят таркиби бўйича, уни: *тоифага қарши, маълум шахсга қарши, оддий* ва *сиёсий* жиноятларга ажратиш мумкин.

Кўпчилик фикҳ олимлари салбий жиноятлар ижобий жиноятлар орқасидан келиб чиқишини эътироф этганлар. Уни содир этган кишиларга эса уқубатлар белгиланган. Масалан, ҳибсда тутиб турилган маҳбусга овқат бермасдан уни нобуд қилиш ижобий жиноятнинг салбий жиноят орқасидан келиб чиқишига мисол бўлади. Мусулмон ҳуқуқи аҳкомларида кўрсатилишича, баъзи вақтда ёрдам беришдан бош тортган кишилар ўз қилмишлари учун масъул ҳисобланмайдилар. Масалан: бир киши ёнғин ичида ёки сувда чўкаётган бўлса унга ёрдам бермаган шахс масъулиятдан холис бўлади.

Оддий жиноятларга ўғирлик, маст қилувчи ичимлик истеъмол қилиш қабиляр мисол бўлади. Бу жиноятлар вақтинчалик ёки давом этувчи бўлиши мумкин. Ҳудуд, қасос ва дия жиноятлари оддий жиноятлар тоифасига мансубдир.

Такрорланувчи жиноятлар бирор ишнинг қайта такрорланишидан юзага келади. Иш ўз кўриниши билан жиноят бўлмаса ҳам, лекин унинг қайта-қайта такрорланиши жиноят дейилади. Қайта такрорланувчи жиноятлар таъзир жиноятлари таркибига кириб уларни бажариш Мусулмон ҳуқуқи аҳкомларида ман этилган. Оддий жиноятлар бажарилган кундан бошлаб жиноят ҳисобланади. (Агар у вақтинчалик бўлса, масалан, зино, ўғирлик).

Шариат бўйича жиноятнинг умумий объекти дин ва давлат асослари, шахснинг ҳаёти, соғлиғи, қадр-қиммати, номуси, мулкнинг турли туман шакллари, айниқса, хусусий мулклар, жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлиги, диний қоидалар, савдо сотиқ тартиб қоидалари, одил судлов асослари ва

бошқа қатор ижтимоий муносабатлар бўлиши мумкин. Масалан, диндан қайтиш, худога шак келтириш, кўп худолик.

Шариатда жиноятнинг объектив томони-жиноят қонуни билан кўриқланадиган объектга қарши қаратилган ижтимоий хавли ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг ташқи ҳолатини ҳарактерловчи белгилар жиноятнинг объектив томонини ифода этади.

Ислом жиноят ҳуқуқига биноан ижтимоий хавфли қилмишни содир этгани учун жиноий жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахс жиноятнинг субъектидир. Шариатда ҳам жиноят субъектини аниқлаш, бирон-бир шахс томонидан содир этилган жиноий қилмишни таснифлаш, уни ҳуқуқий жиҳатдан тўғри баҳолаш, баъзан эса айбдорни жиноий жавобгарлик ва жазодан озод этиш масаласини ҳал қилишда муҳум аҳамият касб этган. Унда таъкидланишича, ҳар қандай жисмоний шахс эмас, балки эс-хуши жойида, ўз қилмишига ўзи жавоб бера оладиган, яъни ўз юриш-туришининг моҳиятини тушунадиган ва ўз хатти-ҳаракатини идора қилиш қобилиятига эга бўлган, ақли расо шахсларгина жиноятнинг субъекти ҳисобланадилар. Ҳанафий мазҳаби ҳуқуқшунослари 15 ёшга тўлган ва ақли расо шахслар жиноят субъекти бўла оладилар деб ҳисоблаганлар.

Жиноятнинг субъектив томони шахснинг ижтимоий хавфли ҳаракат ва ҳаракатсизлигига ва ундан келиб чиқадиган ижтимоий хавфли оқибатларга бўлган руҳий (психик) муносабатдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, минг йилдан ортиқ муддат давомида мамлакатимиз ҳудудида ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг асосий воситаси, ижтимоий-сиёсий тузумнинг, ҳуқуқий маданиятимизнинг таркибий қисми бўлган Шариат қонунларини, унинг

ZAMONAVIY ILM-FAN VA INNOVATION TADQIQOTLARD NATIJALAR MUHOKAMASI

XXIV-RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA
YAKUNLARI BO'YICHA ILMIY ISHLAR TO'PLAMI

Issue - 12(2025)

Available at www.uznauka.uz



жиноят ва жазо билан боғлиқ қоидаларини илмий таҳлил қилиш, ижобий
жихатлардан фойдаланиш муҳум аҳамият касб этади.